

## **ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ.**

**Ф. Б. Шакирова**

*Тошкент давлат транспорт университети доценти,*

**Шихназаров Жавоҳир Жасурбек ўғли**

*Тошкент давлат транспорт университети талабаси*

Мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтиш белгилаб олинди. Инновацион ғоялар, юқори технологияларни ишлаб чиқаришга, жамият ҳаётига изчил татбиқ этиш замонавий билим ва мукаммал малакага эга мутахассислар тайёрлаш учун миллий таълим тизимида ҳам кенг қўламли ва чуқур ислоҳотларни амалга ошириш талаб этилади. Зоро, “Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз” [1].

Иқтисодий категория сифатида инвестициялар, биринчидан, аввалдан жамғарилган маблағларни капитални кўпайтириш мақсадида тадбиркорлик объектларига жойлаштиришни билдиrsa, иккинчидан, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида инвестиция фаолияти иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Жамғарилган маблағлар инвестиция сифатида реал иқтисодиётга тўғридан-тўғри етиб бормасдан, бу молиявий воситачилар орқали амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолларда инвестициялар дастлаб молиявий инвестициялар кўринишида майдонга чиқади ва сўнгра реал инвестицияларга айланади.

Хусусан, Нобель мукофотининг иқтисодиёт бўйича лауреати бўлган У.Ф. Шарпнинг энг оммабоп ҳисобланган “Инвестиция” дарслигида “Инвестициялар келгусида (эҳтимол номуайян) қўматлик олиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматликдан воз кечишидир” [2] - деб таърифланади. “Инвестициялаш” атамасининг маъносини бу қўлланма муаллифи қўйидагича шарҳлайди: “Келажакда фойда олиш учун бугун пулдан ажралишидир” ва ҳисоблайдиларки, ё реал ёки молиявий активларга инвестициялаш мумкин” [3].

Швед иқтисоди олими Клас Эклунд фикрича, “инвестиция-бу келажакда кўпроқ истеъмол қилиш шароитига эга бўлиш учун эртанги кунга қолдирилган нарса. Унинг бир қисми ҳозирда ишлатилмасдан заҳираға қолдирадиган истеъмол буюмлари бўлиб, бошқа қисми эса бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ресурслардир” [4].

Маълумки, жорий молия йили ўтган молия йилида ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмига қўшимча ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг бозор баҳоси ЯИМ мутлақ ўсишидир. Ушбу ўсиш ЯИМнинг мутлақ кўпайишидир, бироқ у самарали иқтисодий ўсишни англатмайди. Нисбий иқтисодий ўсиш иқтисодий ўсиш барқарорлигини ифодалаб, у қандай фаолият ёки қандай ресурс харажати ҳисобига ЯИМнинг ўсишига эришилганлигини англатади. Бундай ресурс харажатлари таркибига инновацион фаолият ва инновацион ресурслар сарфи ҳам киради. Мазкур таҳлилда, инновацион сарф-харажатларнинг самарадорлигини аниқлаш долзарб масала саналади. Инновацион харажатлар самарадорлиги ва унинг даражасини аниқлашда иқтисодий самарадорликни аниқлашнинг умум методологик, назарий асосларидан фойдаланилади. Яъни инновацион фаолият «натижа»сини унга қилинган «харажатлар»га нисбати орқали аниқланади. ЯИМнинг кўпайган қисми ( $\Delta$ ЯИМ) бу ҳисбот йилида ишлаб чиқарилган ( $\text{ЯИМ}_2$ ) ЯИМ ҳажми

билин базавий йилда ишлаб чиқарилган (ЯИМ<sub>1</sub>) ЯИМ ҳажми ўртасидаги фарқ, яъни:

### **ΔЯИМ= ЯИМ<sub>2</sub>- ЯИМ<sub>1</sub>**

ЯИМнинг мутлақ кўпайиши албатта ишлаб чиқаришга қилинган харажатларнинг ҳам кўпайиши, ортиши ( $\Delta W$ ) ҳисобига эришилади. Харажатларнинг ортиши ( $\Delta W$ ) жорий ҳисбот йилида ЯИМ ишлаб чиқариш учун қилинган харажат ҳажми билан базавий йилда ЯИМ ишлаб чиқариш учун қилинган харажат ҳажми ўртасидаги фарқ. Яъни:

$$\Delta W = \Delta W_2 - \Delta W_1$$

Шу нуқтаи назардан ёндашганда, инновацион фаолият самарадорлиги ΔЯИМнинг  $\Delta$  инновацион харажатларга нисбатида, унинг даражаси эса фоиздаги ифодаси сифатида аниқланади, яъни:

$$\frac{\text{Инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлиги}}{\Delta \text{ ЯИМ}} = \frac{\Delta \text{ ЯИМ}}{\Delta \text{ инновацион харажатлар}}$$

Ушбу формула инновацион фаолият учун қилинган харажатлар ҳисобига олинган ЯИМ ўсишини ифодалайди.

Агар шу нисбат аксинча нисбатда ифодаланса, инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлигини аниқ баҳолайди, яъни:

$$\frac{\text{Инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлигини баҳолаш}}{\Delta \text{ ЯИМ}} = \frac{\Delta \text{ инновацион харажатлар}}{\Delta \text{ ЯИМ}}$$

Ушбу баҳолаш инновацион харажат бирлигига олинган ЯИМ ўсимини ифодалайди.

Инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлигини ошириш ялпи ички маҳсулотни мутлақ ортишига боғлиқ бўлмай, инвестицияларни инновацион

фаолиятни жонлантиришга йўналтириш асосида инновацион ривожланишга эришиш ва улар негизида барқарор иқтисодий ўсиш таъминланади.

Юртимизда олиб борилаётган оқилона макроиқтисодий сиёsat ва унинг энг таъсирчан, муҳим йўналиши бўлган солиқса тортиш масалаларида ҳам устуворлик товар ва хизмат ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлик субъектлари манфаатига берилмоқда. Шу нуқтаи назардан, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий, инновацион ривожланишини таъминлашда инновацион фаолият субъектларига берилаётган солиқ имтиёzlари ҳал қилувчи омиллардан бири эканлигини инобатга олиб, уларга қўйидаги йўналишларда солиқ имтиёzlарини беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- инновацион фаолият билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи субъектларининг амалга ошираётган лойиҳаси қиймати, аҳамияти ва истиқболини ҳисобга олган ҳолда ер солиғи, мол-мулк солиғи ва фойдадан олинадиган солиқлардан қисман ёки тўлиқ озод қилиш долзарб масала ҳисобланади;
- инновацион фаолият олиб бораётган тижорат корхоналари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион лойиҳани амалга ошириш учун сарфлаган инвестицияси ҳажмидан келиб чиқиб, ягона солиқ, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, Республика йўл фондига, Республика мактаб таълими фондига тўланадиган солиқдан қисман ёки тўлиқ озод этиш масаласини ҳал этиш;

Давлат томонидан илм-фанни ривожлантириш, таълим тизимини янада такомиллаштириш, лойиҳа-конструкторлик ишларини жонлантириш ва замонавий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур йўналишларга бюджетдан тегишли миқдорда инвестициялар ажратилиб, барқарор молиялаштириш йўлга қўйилган. Жумладан, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда.

Республикада тарихан қисқа давр ичида инновацион ривожланишни таъминлашда катта ишлар амалга оширилганини эътироф этиш билан бир қаторда мамлакатимиз меҳнат ва минерал ресурслари салоҳиятининг юксаклигидан келиб чиқиб, ҳали ушбу соҳада катта маблағ ва саъ-ҳаракатлар қилинадиган талаб этиладиган ишлар борлиги кўзга ташланади.

**Фойдаланилган адабиётлар: / References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь, 19-сон
2. У.Шарп, Г.Александр, Дж.Бейли. Инвестиции. Пер.с анг.-М.: “ИНФРА”, 2000 й., 979-бет
3. Ўша манба, 16-б.
4. Клас Эклунд. Эффективная экономика: шведская модель.-М.: “Экономика” 1991 й. 96-бет.
1. Шодиева, Г., ТоғАева, Д. А., & Султонов, Б. А. (2022). КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН О ЪРНИ. *Асадемис ресеарч ин эдусатионал ссиенсес*, 3(5), 610-613.
2. Мардиевна, С. Г., & Облокулович, К. С. Метҳодологӣ фор Детермининг тҳе Роле оғ Фамилӣ Бусинесс ин тҳе Эсономӣ.
3. Шакирова, Ф. Б. (2022). ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ. *Жоурнал оғ new сентурӣ инноватионс*, 17(1), 101-105.
4. Шакирова, Ф. Б. (2022). ИННОВАТИВЕ ДЕВЕЛОПМЕНТ МОДЕЛС АНД ТҲЕИР РЕЛАТИОНШИП ВИТҲ ЭСОНОМИС ГРОWTҲ. *Галаҳӣ Интернатионал Интердисциплинарӣ Ресеарч Жоурнал*, 10(10), 662-665.
5. Шакирова, Ф. Б. (2022). ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ. *Жоурнал оғ new сентурӣ инноватионс*, 16(3), 82-85.
6. Шакирова, Ф. Б. (2022). ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МЕХАНИЗМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХОРИЖИ ТАЖРИБАСИ. *Жоурнал оғ new сентурӣ инноватионс*, 15(3), 66-74.
7. Шакирова, Ф. Б., & Сатторова, С. Б. (2022). “О ўЗБЕКИСТОН ТЕМИР Ё ЪЛЛАРИ” АЖ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ФАОЛИЯТИ. *Эурасиан Жоурнал оғ Асадемис Ресеарч*, 2(9), 4-9.

8. Шакирова, Ф. Б. (2015). Девелопмент оф Эсономй ин Узбекистан он тҳе Басис оф Инноватион Активитӣ (Узбекистан, Ташкент). *Проблемс оф Модерн Эсономисс*, (3), 55.
9. Мардиевна, С. Г., & Анваровна, Э. Д. (2022). МЕЧАНИСМС ФОР ИМПРОВИНГ ТҲЕ ЭФФИСИЕНСӢ ОФ ФАМИЛӢ БУСИНЕССЕС ИН ТҲЕ ДИГИТАЛ ЭСОНОМӢ. *Галаҳӣ Интернатионал Интердисциплинарӣ Ресеарҷ Жоурнал*, 10(11), 206-211.
10. Шадиева, Г. М., & о‘г‘ли Исокулов, З. С. (2022). ВАЙС ТО РЕДУСЕ ПОВЕРТӢ. *Галаҳӣ Интернатионал Интердисциплинарӣ Ресеарҷ Жоурнал*, 10(12), 957-962.
11. Рахманбаева, Р. А. (2012). Управление интеллектуальным потенциалом вузов в условиях интеграции образования и производства. *Автореф. дисс.... д-ра эконом. наук*.
12. Рахманбаева, Р. А. (2020). Главный фактор развития новой экономики постиндустриального общества. *Журнал ПалАрҷ по археологии Египта/египтологи*, 17(6), 14201-14207.
13. Ибрагимов, У. Н. ТРАНСАФ'ОН ТРАНСПОРТ КОРИДОРЛАРИ: ДАВЛАТЛАР МАНФААТЛАРИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.
14. Усмонова, М. (2022). Imkoniyati cheklangan bolalarni o ‘qitishda texnologiya fanining dolzarbligi. Современные тенденции инновационного развития науки и образования в глобальном мире, 1(4).